2024 YIL - YOSHLAR VA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 28-noyabr, payshanba | № 47 (9315) | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

# Депутат – халқ хизматчиси

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида давлатимиз раҳбари иштирок этиб, депутатларни сайлангани билан табриклади ва бу халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмати ифодаси эканини таъкидлади. Биз унутмаслигимиз керакки, депутат бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир.**



**Муқаддасхон АҲМЕДОВА,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.*

Оила, маҳалла ва бутун жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатларини қатъий ҳимоя қилишда халқимиз, аввало, уларга таянамиз. Ўзбекистоннинг конституциявий қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда чет эл тажрибаси шуни кўрсатадики, депутатларнинг аҳоли олдида вазифалари қуйидагилардан иборат:

– “қонунчилик ташаббускорлиги” ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда қонун ижодкорлиги бўйича фаолиятини кучайтириш;

– парламент назорати талабларидан оғишмаган ҳолда ижро ҳокимияти фаолияти устидан самарали назоратни амалга ошириш;

– ўз сайловчилари билан тизимли равишда ишлаш, уларнинг кундалик ҳаётидаги муаммоларининг ечимини топиш, уларнинг олдида ҳисобот бериш;

– фракция ва қўмита аъзолари сифатида мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига оид бўлган масалалар муҳокамасидаги иштирокини кучайтириш.

Демократик давлат қурилишининг асосий принципларидан бири бу ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлинишидир. Мазкур 3 та ҳокимият мустақил равишда ўз фаолиятини олиб бориши натижасида самарали давлат бошқаруви тизими шаклланиши барчага маълум. Бугунги кунда халқ нойиблари ўз диққатини қонун ижодкорлиги, аввало, жамиятдаги долзарб масалалар ечимига қаратиши керак. Бундан ташқари, парламент назоратида кенг кўламли, сифатли назорат тизимига ўтиш зарур. Давлатимиз раҳбари инвестиция дастурларини тайёрлашда депутатлар ҳам иштирок этадиган, уларнинг фикри инобатга олинадиган тизим яратиш зарурлигини таъкидлади. Парламент дипломатияси давлатимиз ташқи сиёсатида муҳим воситадир. Бундан келиб чиққан ҳолда, халқ нойиблари халқаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга катта урғу беришлари шарт. Шу билан бирга ахлоқ ва одоб масалаларини ҳам асло унутмаслик керак. Ҳеч ким интернет тармоғида очилган шахсий саҳифаларида фуқаролар билан мулоқот қилишда уларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган қўпол, ҳақоратомуз ибора ва сўзларни қўллашга, асоссиз айбловларга йўл қўйишга ҳақли эмас.

Депутатлар популизм каби иллатдан йироқ бўлиши керак. Яъни, аҳолининг таҳлил қилиш салоҳияти камлигидан ўз мақсадларида фойдаланмаслиги, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг реал ҳолатидан сайловчилар бехабарлигини билган ҳолда шахсий манфаатларини рўёбга чиқаришга интилмаслиги, ғоя ва фикрларни умумий тарзда баён этиш, аниқ ва конкретликдан ўзини олиб қочиш, нореал ва амалга ошиш имкони йўқ, лекин шу билан бирга аҳолига ёқадиган таклифларни илгари сурмаслиги керак.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, депутатлар популизм инструментларидан воз кечган ва ҳокимиятлар бўлиниши принципига қатъий риоя қилган ҳолда ўз электорати олдида берган ваъдаларини бажаришлари лозим.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда ҳурматли депутатларимиз диққат-эътиборларини пухта ўйланган, илмий асосланган ва узоқ муддатга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилишга қаратсалар мақсадга мувофиқ бўлади.





Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ (ЎзА) олган суратлар

# ЯНГИ АНДИЖОНДА 19 ГЕКТАРЛИ БОҒ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

**Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Андижон вилоятида жорий йилда 15 миллион тупдан зиёд мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилиши мўлжалланган. Баҳор мавсумида 9,5 миллион тупдан зиёд кўчат экилиб, белгиланган режа 112 фоизга бажарилди.**

Вилоятда куз мавсумида 5 миллион 780 минг туп мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экиш кўзда тутилган бўлиб, айни кунларда барча туман ва шаҳарларда кўчат экиш ишлари режа асосида давом этмоқда.

Халқимизнинг “Кўчат экиш, боғ яратиш, хайрли ва савобли иш” деган ибратли удумига амал қилган кўплаб юртдошларимиз кўчат экиш, ҳудудларни яшил маконга айлантиришдек хайрли ишда фаол иштирок этмоқда.

Айниқса, бугунги кунда кўчат экиш ишлари Андижон тумани адирликларида барпо этилаётган Янги Андижон шаҳри ҳудудида қизғин олиб борилмоқда. Хусусан, вилоят ҳокими ташаббуси билан мазкур ҳудудда 19 гектар майдонда боғ барпо этилаётганлиги эътиборга молик. Мазкур жараёнда меҳнат жамоалари, маҳаллалар аҳолиси фаол иштирок этиб, боғни барпо этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда.

Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси жамоаси, умуман, умуммиллий ҳаракатда фаол қатнашаётган кўнгилли ёшлар томонидан шу кунларда янги барпо этилаётган боққа 2 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Таъмирталаб йўл ЙЎЛОВЧИ ТАЪБИНИ ХИРА ҚИЛАДИ

**БУНИ ДИЛДАН ҲИС ҚИЛГАН СУРХОНДАРЁЛИК ЙЎЛСОЗЛАР ЎЗ ИШИГА ЯНАДА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШМОҚДАЛАР**



**Барчамизга маълумки, мамлакатимизда ҳар йили йўллар, мустаҳкам кўприклар қуриш, уларни ўз вақтида таъмирлаш учун миллиардлаб маблағ, минглаб ишчи кучи, замонавий техникалар жалб қилинмоқда. Йўлларнинг доимо соз ҳолатда бўлишини таъминлаш учун барча чоралар кўрилмоқда. Албатта, йўллар кенг ва равон бўлса, манзилларимиз ҳам яқин бўлади.**

(Давоми 2-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

# Халқ қабулхонаси АРАЛАШУВИ БИЛАН МОДДИЙ, МАЪНАВИЙ ЗАРАР УНДИРИЛДИ

**Президент виртуал ва Халқ қабулхонаси бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш, халқ билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ўз вақтида самарали ҳал этишнинг таъсирчан механизмига айланди.**




Халқ қабулхоналари аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг энг самарали тизимидир. Масалан, Давлатобод тумани аҳолисидан Президент виртуал ҳамда Халқ қабулхонасига жорий йилнинг ўн ойида жисмоний ва юридик шахслардан 6 мингга яқин масалага оид мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 524 таси юқори ташкилотларга юборилган, 29 таси Президент Администрацияси назоратига ўтказилган, 77 таси Халқ қабулхонасида кўриб чиқилган ҳамда 3849 таси ҳудуддаги ташкилотларга юборилган ва Халқ қабулхонаси назоратига олинган. Халқ қабулхонаси жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда уларга энг яқин бўлган ҳақиқий халқчил демократик институт ҳисобланади. Шу боис ҳар бир жисмоний ва юридик шахс мурожаати Халқ қабулхонаси томонидан ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган ҳолда ўрганиб чиқилмоқда. Халқ қабулхоналарига фуқаролар ўз муаммолари билан бемалол, очиқ мурожаат қилишлари уларнинг муаммоларини ўрнида ҳал этиш учун ҳар қандай ташкилот раҳбарларини жалб қилган ҳолда жойида ҳал этиш учун имкониятни юзага келтирмоқда. Йиллар давомида ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш имконини яратмоқда. Айниқса, сайёр ва оммавий қабуллар, ёшлар билан очиқ мулоқот орқали сектор раҳбарлари ҳамда Халқ қабулхоналари томонидан ўтказилаётган бундай тадбирлар чекка ҳудудларга ҳам бориб, муаммоларни уйма-уй юриб ҳал этилишида яхши самара бермоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

# “СУВЧИЛАР БОҒИ” ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Yashil makon

**Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида сирдарёлик сувчилар томонидан ҳам ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, боғ яратиш ишлари олиб борилмоқда.**






**Кекса-ю ёш, фаол ва масъулиятли сувчилар ушбу умумиллий лойиҳа атрофида бирлашди. Куз мавсумида белгиланган 284,4 минг туп мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатларини экиш режа дастурига асосан тизимли ишларни ташкил этиб, захира қилинган кўчатлардан унумли фойдаланган ҳолда жами 207,4 минг туп дарахт кўчатларини экиб, парвариш қилишмоқда. Эътиборлиси, вилоят сектор раҳбарлари ташаббуси билан эндиликда Қуйи Сирдарё ИТҲБнинг ўз боғи бўлади. Яқинда Қуйи Сирдарё ИТҲБ учун ажратилган Мирзаобод тумани Янгиобод маҳалласи ҳудудидан ўтувчи Д-3 каналининг ўнг тарафидан соҳил бўйи минтақасида 23,8 гектар ер майдонида “Сувчилар боғи” ташкил этилиб, барча сув хўжалиги ҳузуридаги тизим ташкилотлари раҳбар ва ишчи ходимлар иштирокида 15 минг туп мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари экилди.**

**Рамиз КАМИЛОВ,**
*Қуйи Сирдарё ИТҲБ бошлиғи.*

*Йил якунига қадар барча манбалар ҳисобидан 283 км. узунликдаги йўлларда 230,5 млрд. сўмлик йўл ишларини амалга ошириш белгиланган*




## ФАҚАТГИНА БИРГА КОРРУПЦИЯНИ ТЎХТАТА ОЛАМИЗ!

**Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларининг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларининг гувоҳи бўлсангиз ёки ходимларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлсангиз, вазирликнинг қуйида келтирилган алоқа каналлари орқали ўз мурожаатларингизни қолдиришингиз тавсия этилади.**

1. Ишонч телефони: **1243.**
2. Телеграм бот: **@uzagroanticorruptionbot**
3. Расмий веб саҳифа: **Agro.uz**
4. Электрон почта манзили: **info@agro.uz**
5. Масъул ходимлар: **95-018-22-42, 94-369-29-58.**

Йўлланган мурожаатлар ва хабарлар қонунчиликка асосан кўриб чиқилади.

**С.ХАЛИЛОВ,**
*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи.*

# Таъмирталаб йўл

## ЙЎЛОВЧИ ТАЪБИНИ ХИРА ҚИЛАДИ

**БУНИ ДИЛДАН ҲИС ҚИЛГАН СУРХОНДАРЁЛИК ЙЎЛСОЗЛАР ЎЗ ИШИГА ЯНАДА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШМОҚДАЛАР**

**(Боши 1-саҳифада)**

Текис, замон талабларига жавоб берадиган йўлда юрган йўловчининг кайфияти ҳам чоғ бўлади. Ўйдим-чуқур, таъмирталаб йўллардан ёшу қари бирдек хуноб бўлиб ўтади. Буни дилдан ҳис қилган сурхондарёлик йўлсозлар йўллар равонлиги йўлида бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам вилоятда, йўл қурилиши соҳасида белгиланган режа асосида муайян ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда вилоят ҳудудида жами 16 минг 170 км. узунликдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан 2843 километр узунликдаги қисми умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ҳисобланади. Бу йўллар Автомобиль йўллари қўмитаси тасарруфида бўлса, қолган 13 минг 327 км. қисми маҳаллий ҳокимликлар тасарруфидаги минтақавий кўчалардир. Бу йўлларда жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида барча манбалар ҳисобидан 964,4 км. узунликдаги йўлларда





796,3 млрд. сўмлик йўл ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, амалда вилоятдаги йўл корхоналари ва пудратчи корхоналар томонидан 733,2 км. (Ҳашар дастурини қўшганда 603,2 км.) узунликдаги йўлларда ҳамда 162,0 пм (9 дона) кўприк ва йўл ўтказгичларда 579,1 млрд.сўмлик йўл ишлари бажарилган. Жумладан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида барча манбалар ҳисобидан 359,4 км. узунликдаги йўлларда 416,6 млрд. сўмлик йўл ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, амалда вилоятдаги йўл корхоналари ва пудратчи корхоналар томонидан 310,2 км. узунликдаги йўлларда ҳамда 90,0 пм (5 дона) кўприк ва йўл ўтказгичларда 313,7 млрд. сўмлик йиллик режага нисбатан 82 фоиз йўл ишлари бажарилган. Шунингдек, ички хўжалик йўлларида ҳам ишлар режа асосида бажарилган. 605,4 км. узунликдаги йўлларда 379,7 млрд. сўмлик йўл ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, амалда




вилоятдаги йўл корхоналари ва пудратчи корхоналар томонидан 603,2 км. узунликдаги йўлларда ҳамда 72,0 пм (4 дона) кўприк ва йўл ўтказгичларда 265,3 млрд. сўмлик йўл ишлари бажарилган. Жорий йил якунига қадар ҳам бу борада қилиниши кўзда тутилган ишлар талайгина. Йил якунига қадар барча манбалар ҳисобидан 283 км. узунликдаги йўлларда 230,5 млрд. сўмлик йўл ишларини амалга ошириш белгиланган. Шундан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида салкам 50 км. узунликдаги йўлларда 102,9 млрд. сўмлик йўл ишлари йил якунига қадар амалга оширилади. Худди шунингдек, 182,4 км. узунликдаги ички хўжалик йўлларида ҳам 114,2 млрд. сўмлик йўл ишлари йил якунига қадар амалга оширилади.

– Келгуси йилги режаларимизни ҳам ишлаб чиққанмиз, – дейди Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат муассасаси бош муҳандиси Азамат Алимардонов. – Унга кўра вилоятимиздаги автомобиль йўллари ва кўчаларида 301 км. узунликдаги йўлларда 259,3 млрд. сўмлик йўл ишлари амалга оширилади, кўприклар қурилиб, белгиланган тартибда таъмирланади.

**Ориф ЖУМАНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**




ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

## БИЗ ТАБИАТ УЧУН ҒАМХЎРМИЗ

*Қашқадарёлик ёшлар мана шу ғоя остида бирлашиб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида фаол иштирок этмоқда. Лойиҳа доирасида ёшлар ташаббуси билан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ёшлар боғлари ташкил этилмоқда.*




Вилоятдаги Ғузор туманида Тошгузар маҳалласи ҳудудида 1 минг 500 туп мевали дарахт кўчатлари экилиб, “Ёшлар боғи” ташкил этилди. Шунингдек, тўқсонбости экин экиш учун ер олган ёшлар ҳам ўз ерларининг атрофларини манзарали ва мевали дарахтлар билан кўкаламзорлаштирмоқда.

Жумладан, Миришкор туманида ҳам ёшлар ташаббуси билан боғ ташкил этилиб, Оқмачит маҳалласида 1 минг 400 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Бу жараён ёшларнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган бўлиб, улар ўз ер майдонларида экин экиш ва боғларни кўкаламзорлаштиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Косон туманидаги ёшлар ҳам ўз ҳудудларида 1 минг 400 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экди. Косон маҳалласи ёшларининг ташаббуси билан ер майдонлари атрофи ҳам тўлиқ кўкаламзорлаштирилиб, боғлар ташкил этилмоқда.

Шаҳрисабз туманида эса ёшлар томонидан 1 минг 400 тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилган. Шаҳрисабзда ёшлар учун ажратилган ер майдонларининг боғ қаторларига агротехника ишлари олиб борилиб, кўчатлар экилган.

Қашқадарё вилоятида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган ёшлар боғлари ва экин майдонларининг барчаси Ёшлар ишлари бошқармаси томонидан қизғин равишда амалга оширилмоқда. Ҳар бир туман ва шаҳарда ёшларнинг фаол иштирокида бу ишлар давом этмоқда. Биргаликда яшил маконни яратиш ва вилоятни кўкаламзорлаштиришга бўлган интилиш давом этмоқда.

**Ўлмас БАРОТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

*Матбуот анжумани*

Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси ҳамкорлигида “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази фаолияти” мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказида ўтган тадбирга ОАВ вакиллари, блогерлар таклиф этилди.






# Ижтимоий ҳимоянинг ЯНГИ ТИЗИМИ

Конференцияни вилоят ҳокимининг матбуот котиби, ахборот хизмати бўйича маслаҳатчиси Илҳомжон Раҳматов олиб борди ва давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мақсад-моҳияти ҳақида атрофлича тушунча берди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Иброҳим Ҳожиев юқоридаги қарор ва фармон асосида инсон қадрини кўтариш учун амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, дастлабки қувончли натижаларга тўхталди.

– Тизим тартиб-тамойиллари, айниқса, “Инсон” ижтимоий хизмат марказлари ҳақидаги муҳим тушунчаларни аҳолига етказишда сизларнинг ролингиз катта аҳамиятга эга, – деди Иброҳим Икромович. – “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари бошқарманинг шаҳар, туманлардаги бўлимидир. Мақсади ижтимоий химояга муҳтож аҳоли қатламига маҳалла даражасида комплекс ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишни йўлга қўйишдан иборат. Улар оғир аҳволга тушиб қолган ёки тушиб қолиш хавфи бўлган шахслар ва оилаларга индивидуал ёндашув асосида маҳалла даражасида комплекс ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш, ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз яшайдиган ёки ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга уйда парвариш қилиш ва қўллаб-қувватлаш реабилитация ҳамда санатор соғломлаштириш хизматларини кўрсатиш тизимини ташкил этади. Ногиронлиги бўлган шахслар учун протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш, уларга сифатли реабилитация ҳамда руҳий-ижтимоий хизматлар кўрсатилишини ташкил этади. Тазйиқ ва зўравонликка учраган шахслар билан ишлаш ҳамда тазйиққа учраган хотин-қизлар, кексалар ва вояга етмаганларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатади. Эътиборлиси шундаки, маҳалладаги ижтимоий ходимлар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахс ёки оилани “Кейс менежмент” орқали баҳолашдан ўтказиб, нафақат давлат томонидан кафолатланган ёрдам ва хизматлардан олишга кўмаклашади, балки оиланинг кучли томонларидан фойдаланиб, уларни оғир вазиятдан олиб чиқишга ёрдамлашади.

Ана шу вазифалар ижросининг амалий намунаси Давлатобод тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази фаолияти мисолида тақдим этилди. Марказ раҳбари Шерали Ҳамроев оилаларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, ижтимоий хизматлар ва ёрдамни ташкил этиш, оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган оилаларни мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш ва бошқа йўналишлардаги фаолиятни ҳаётий мисоллар асосида ёритиб берди.

Қизғин савол-жавоблар янги тизим ва унинг жамият равнақи, халқимиз фаровонлигида нечоғлик катта аҳамият касб этишини чуқур англаш имконини берди.

**Муҳаммаджон ОБИЛОВ**

*Фармон ва ижро*

## МАҲАЛЛАНИ ҲАМЖИҲАТ ҚИЛИБ, МЕҲМОНЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИГАН КЎЧАЛАР

*Тонг. Кўп қаватли уйдан шошиб чиқиб, автобус бекатига борасиз. Кеч. Тунги чироқлар ёғдусида парвоналар ўйнайди. Ишдан қайтиб, яна ўша бекатда кўриниш берасиз. Торгина йўлак бўйлаб, оила даврасига шошасиз.*



Инсонга кўп нарса керак эмас. Юртида тинчлик, ёқтирган иши, бахтиёр оиласи бўлса етади. Лекин одамлар бундан ортиғига муносиб. Бу – тўғри, унга интилиш эса табиий жараён.

Фотомухбир билан пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманидаги Янги Турмуш, Ташаббус ва Янги Умид маҳаллалари ҳудудидан ўтган кўчадамиз. Ушбу хизмат кўрсатиш ва гастрономик кўча тумандаги ўзгаришлар билан ҳамоҳанг тарзда янги қиёфага кириб бормоқда.

Бу ерда замонавийлик ва миллийликни ифода этган ҳайкаллар, фонтан, ўриндиқ ва ёритгичлар ўрнатилди. Пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилди. Атрофга “Яшил макон” лойиҳаси доирасида гул ва буталар экилди.

– Шу жойларда болалигим ўтган, – дейди Қодир ота Фозилов. – Олти-етти йилда ҳамма маҳалла






янги қиёфага кирди. Биз кўрган овлоқ, қоронғи жойлар қолмади. Биргина шу кўчанинг атрофида эллик-олтмишта кўп қаватли уй бор. Жамоат транспорти ва метро бекатлари етиб келди. Хуллас, ўтиб-қайтувчилар жуда кўп. Энди, тасаввур қиляпсизми, бу жой қандай гавжум, ҳар куни ўнлаб байрамона тадбирлар ўтадиган масканга айланди. Фарзандларини айлантириб, ўйин-кулги қилиб юрганларни кўриб одам хурсанд бўлади. Гастрономик кўчалар аҳолини бирлаштирар экан. Дўстлар ва оила аъзолари билан мулоқот майдонига айланар экан. Маҳалланинг қанча ёшлари шу баҳона ишли ҳам бўлди. Масъуллар кўчамизни яна ҳам обод, имкониятлари кўп масканга айланади дейишмоқда. Бу гапга ишонамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январда “Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, жойларда туризм масканларини кўпайтириш, ҳудудларни ўзаро боғловчи туризм хизматларини янада кенгайтириш бўйича иш олиб борилмоқда. Бунинг ижросини шу кўча мисолида ҳам кўриш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Гулбозор маҳалласида ҳам шундай кўча ташкил қилинган эди. Чорсу бозори ёнида жойлашган бу кўчадан йилнинг барча мавсумида хорижий туристлар кўп ўтади.

Шу боис ҳудуд туризм хизматларига ихтисослаштирилган эди. Кўча ва уйларда пойтахтнинг қадимги кўринишини сақлаб қолган ҳолда қўшимча шароитлар яратилган. Ҳозир бу манзил ҳам пойтахтимизнинг муҳим сайёҳлик манзилларидан бирига айланган.

Ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва гастрономик кўчалар ташкил қилиш замонга ҳамоҳанг бўлишнинг муҳим омилларидан бири. Бу каби лойиҳалар нафақат шаҳарларни жозибадор қилади, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни ҳам рағбатлантиради. Аҳоли учун қулай, замонавий ва жозибали муҳит яратиш эса бугунги ислоҳотларимизнинг асосларидан бири саналади.

**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Биз, нуроний кексаларнинг зиммасида ҳам табиатни муҳофаза қилишдек кечиктириб бўлмайдиган ғоят муҳим вазифа турибди*

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

# НУРОНИЙ КЕКСАЛАР СЎЗИ ҲИКМАТ, ҲАЁТИ ИБРАТ

## *ёхуд яхшиликнинг мукофоти яхшиликдир*

*Болалигимда отам раҳматли "Қашқар" қишлоғидаги қариндошимизникига олиб бориб, қўлимга кўчатни ушлатиб, дарахт эктиргани ҳали-ҳануз ёдимда. Йиллар ўтди, давронлар ўтди, ўша мен эккан дарахтлар ҳам улғайди. Яна янгиларини экдик. Мевасини еб, соя-салқинида дам олган чоғларимда "шу дарахтни мен эккан эдим" деб ғурурланиб қўяман. Мана етмишдан ошиб саксонга боряпмизки, яхши ният билан ота-боболаримиздан қолган савобли одатни давом эттирмоқдамиз. Набираларимизнинг жажжи қўллари билан кўчатлар экмоқдамиз. Бугун яна куз. Баҳорда бўлгани каби кузда ҳам мевали ва манзарали боғлар яратилмоқда.*



**Манзуржон АБДУЛЛАЕВ,**
**"Нуроний" жамғармаси**
**Қўқон шаҳар бўлими раиси,**
**"Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби.**

Яқинда Президентимиз ташаббуси билан камбағалликни қисқартиришни умуммиллий ҳаракатга айлантириш ғояси илгари сурилди. Бу ғоя замирида беқиёс инфоқ-эҳсон, саховат қилишдек савобли вазифалар турибди.

Қўқонда ўзига тўқ оилалар кўп бўлса-да, ҳамшаҳарларимиз орасида



Яқинда ойнаи жаҳонда Президентимиз Тошкент шаҳри атрофида "Яшил белбоғ" барпо этиш лойиҳаси доирасида дарахт экиш тадбирида иштирок этганини набираларим даврасида кўрдик. Бугун биз йўқолиб бораётган табиат софлигини қайтара олмасак, кейин кеч бўлади. Ҳавомиз ҳам, сувларимиз ҳам ифлосланишда давом этмоқда. Кечагина кўкка бўй чўзиб турган қадим чинорларимиз ҳам қуриб бормоқда. Глобал исиш ҳатто шаҳарларга ҳам чўлланиш хавфини солмоқда. Бу эса экологик мувозанатнинг бузилишидан пайдо бўлаётган муаммоларга яна муаммо бўлиб қўшилмоқда. Биз, нуроний кексаларнинг зиммасида ҳам табиатни муҳофаза қилишдек кечиктириб бўлмайдиган ғоят муҳим вазифа турибди.

Президентимиз ташаббуси билан келгуси йил номи атроф-муҳитни асраш масаласига бағишланди. Демак, бу ташаббуснинг кенг ёйилиши, самаралироқ бўлиши учун ёшларимиз онгига яшиллик моҳиятини чуқур сингдиришда нуронийлар уларга ибрат бўлишимиз керак.

Қўқон шаҳрида бўлсангиз, Худоёрхон ўрдаси атрофидаги хушманзара табиатни кўриб кўзингиз қувнайди. Бу "Яшил макон"даги ноёб дарахтлар ва буталарни парвариш қилишга, суғоришга, табиий таъсирлардан ҳимоя қилишга фаол нуронийларимиз масъул этиб белгиланган.

Имон-эътиқодли, зукко-зиёли, фозил-фузалолар қай маконда кўп бўлса, шу жойнинг мавқеи ҳам, ўрни ҳам баланд бўлади.

Қўқон ана шундай мўътабар шаҳар. Қўқонликларнинг хушмуомаласи ҳам, илтифоти ҳам, диди баландлиги ҳам ўзларига ярашади. Энг муҳим жиҳати шуки, улар ота-оналарини, ёши улуғ кексаларни эъзозлаш бобида ҳам бошқаларга намуна. Ҳамшаҳарларимиз нуроний кексалар ва муниса онахонлар панд-насиҳатларини ҳикмат деб қабул қилишади.

Қайси ишнинг бошида ҳаётий тажрибаси катта, ёши улуғ кексалар турса, бу иш хайрли, баракотли бўлади. Мамлакатимизда бўлгани каби Қўқон шаҳрида ҳам камбағалликни камайтириш борасида олиб борилаётган ишлар самара бермоқда. камбағаллик ёқасига келиб қолганлари ҳам бор. Республика "Нуроний" жамғармаси Қўқон шаҳар бўлими фаоллари томонидан камбағалликка қарши курашиш режали равишда олиб борилмоқда. Жорий йилнинг шу давригача биргина жамғарма шаҳар бўлими фаоллари саъй-ҳаракати туфайли 148 та оила камбағаллик муаммосидан қутулди. Бир оилада, аслида, уч-тўрт ва ундан ортиқ аъзо бор. Бу оила тақдиридаги ижобий ўзгариш, демак, юзлаб кишиларнинг иқтисодий имкониятлари яхшиланганидан далолатдир. Рўзғори бут экан, хонадон аҳли хотиржам бўлади, болалари бахтиёр ўйнаб кулади. Қорни тўқ, усти бут болаларнинг кўзларидаги қувончга бир нигоҳ ташланг-а!

Камбағалликка қарши курашишнинг яна бир катта ижтимоий аҳамияти бор. Бизга мурожаат қилаётган оилаларнинг айримлари ажрашиш сабабини йўқчилик ва шу туфайли оиладаги жанжаллар деб рўкач қилишмоқда. Оиланинг хотиржамлиги учун моддий ва маънавий замин керак. Ҳозирги ёшлар аввалгиларига кўп ҳам ўхшамайди: йўқчиликка сабри сустроқ. Оила рўзғорида ҳали пешонасига чизиқ тушмасданоқ етишмовчилик сабаби билан ажрашишни ихтиёр қилаётган ёшлар бор. Жамғармамиз томонидан тегишли ташкилотларни жалб қилган ҳолда шошилинч равишда иқтисодий кўмак беряпмиз. Кекса нуронийлар саъй-ҳаракати туфайли 201 та ажрим ёқасига келиб қолган оилалар яраштириб қўйилди.

Камбағалликнинг олдини олишнинг энг мақбул йўлларидан бири аҳолини яхши даромадли иш билан таъминлашдир. Жорий йилнинг кейинги тўрт ойининг ўзида ишга яроқли 881 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди. 289 нафар хотин-қизга тикув машинаси ажратилиб, ўзини-ўзи банд қилишга эришилди. 154 нафар "Аёллар дафтари"да турувчи фуқароларга Оила ва хотин қизлар қўмитаси томонидан жарроҳлик ва даволаниш учун пул маблағлари ўтказиб берилди. Ишончим комилки, Президентимизнинг бу саъй-ҳаракати шарофати билан оилаларда соғлом муҳит шаклланмоқда, келажагимиз умидлари бўлган ёш авлоднинг зориқмай вояга етишлари учун мустаҳкам пойдевор яратилмоқда. Одамлар камбағалликка қарши курашишдек инсонпарварлик сиёсати бошида турган Юртбошимиз ҳаққига дуолар қилишмоқда.

"Оқсоқоллар ва ота-оналар кенгаши", "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари, "Бувижонлар мактаби" фаоллари ва "Маҳалла еттилиги" томонидан уйма-уй юришиб, тарбияси оғир ёшларни тўғри йўлга солишга, адашган, мураккаб вазиятга тушиб қолганларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Айниқса, нуроний отахонлар ва мунис онахонлар мактабларда бўлиб, ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказишаётганлиги ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўқувчиларнинг тўлақонли билим олишлари, келажакдаги орзуларининг рўёбга чиқиши, касб-ҳунарли бўлиши муҳим. Ёшларнинг мустақил ҳаётга мустақил фикрлайдиган даражада қадам қўйишларида биз нуронийларнинг улар билан қилаётган ҳар бир мулоқотимиз, албатта, ижобий натижаларни бермоқда. Яхшиликнинг мукофоти яхшиликдир, деган ҳикмат бор. Одамларга яхшиликлар улашаётган нуронийларимизнинг ўзлари ҳам завқ олишмоқда, улар жамғармамиз атрофида жипслашмоқда, кўнгиллари ёшариб, ҳаётга муҳаббати ошмоқда.



# Халқ қабулхонаси АРАЛАШУВИ БИЛАН МОДДИЙ, МАЪНАВИЙ ЗАРАР УНДИРИЛДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Мисол учун, Давлатобод тумани "Ижодкор" МФЙ Бинокор кўчасида яшовчи 1969 йилда туғилган Роқия Мўминованинг турмуш ўртоғи инсульт касаллиги билан оғирийди, 1989 йилда туғилган ягона фарзанди, оиладаги ёлғиз боқувчи қизи Бойдадаева Ҳилолага жорий йилнинг апрель ойида вояга етмаган, ҳайдовчилик ҳужжатлари ҳам мавжуд бўлмаган фуқаро автоавария содир қилиши оқибатида саломатлигига қаттиқ зиён етказади. Қизи касалхонада оғир аҳволда қолади, автоавария содир қилган шахс қизни бир маротаба касалхонада даволаниш учун ётқизиб, муолажаларни ҳам охирига етказмасдан кетиб, қайтиб хабар олмайди, қизнинг эса аҳволи оғирлашиб бораверади. Фуқаро адвокат ёллашга маблағи йўқлиги, шароити тобора оғирлашиб бораётгани юзасидан Президент Халқ қабулхонасига мурожаат йўллайди. Унинг мурожаати ўрганилиб, ҳуқуқий ёрдам берилди. Мурожаати юзасидан автоавария содир қилган шахсдан суд тартибида 7 млн. сўм етказилган зарар ҳамда маънавий зарар учун 4 млн. сўм жами 11 млн. сўм пул маблағлари ундириб берилиб, фарзандининг саломатлигини тиклаш учун касалхонага даволаниш учун ётқизилди. Ҳудуд ташкилотлари, юқори ташкилотлари ва Халқ қабулхонаси томонидан кўриб чиқилган мурожаатларнинг ижобий ҳал этилганлиги юзасидан фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига 180 га яқин миннатдорчилик ва ташаккурномалар билдирилган. Халқ қабулхонаси томонидан мурожаатлар таҳлил қилинганида, энг аввало, мурожаатни юзага келтираётган омиллар, сабаблар ва шарт-шароитлар тўлиқ ўрганиб чиқилади. Бу эса, ўз навбатида, такрорий мурожаатларнинг олдини олиш имконини беради.

**Соҳибжон ҲАМИДОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлатобод туманидаги Халқ қабулхонаси мудири.*



## ЙИРИК САВДО МАЖМУАЛАРИ ВА БОЗОРЛАРДА "ЁНҒИН ХАФВСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ" ТАДБИРИ

*Йирик савдо ва кўнгилочар марказлар бугунги кунда қулай шаҳар маконини шакллантиришнинг органик қисмига айланди. Ушбу савдо гигантларисиз замонавий ҳаётни тасаввур қилиш қийин.*

Дам олиш кунлари оилаларнинг катта мажмуалардаги кўнгилочар марказларга ташриф буюриши одатий ҳолга айланган. Савдо марказлари биноларида одамларнинг қулай ва хавфсиз яшашини таъминлаш мажмуалар эгалари ва уларнинг хавфсизлик хизматларининг асосий вазифаларидан биридир.

Катта савдо ва кўнгилочар марказнинг хавфсизлиги бу кенг қамровли ва кўп қиррали тушунчадир. Хавфсизлик бўйича мутахассислар йирик савдо марказлари хавфсизлигини ташкил этишнинг иккита асосий жиҳатини аниқлайдилар. Биринчиси, корхона хавфсизлигини таъминлаш учун яхши ишлайдиган техник воситалар мажмуаси, жумладан, ёнғин ва хавфсизлик тизимлари, видеокузатув тизимлари, нақд операцияларни назорат қилиш тизимлари ва ахборот хавфсизлиги. Иккинчиси, хавфсизлик хизматининг ўзини ташкил этиш бўлиб, у қўриқлаш хизмати бўлинмасининг тузилиши, унинг шахсий таркиби ва ундан самарали фойдаланишни ўз ичига олади. Йирик савдо марказлари учун ёнғин хавфли мезонлари уларнинг катта майдонлари, мураккаб жойлашуви ва визуал алоқа тизими, кўп функцияли биноларнинг мавжудлиги, шунингдек, бинода бир вақтнинг ўзида кўп сонли одамлардир.

Ушбу турдаги офатларнинг олдини олиш мақсадида юртимизда жойлашган барча савдо ва кўнгил очар марказларида доимий тарзда текширувлар профилактик тадбирлар ва махсус тактик ўқув машғулотлари ўтказиб турилади. Шундай машғулотлардан бири Чилонзор туманида жойлашган "Чилонзор буюм савдо комплекси"да Чилонзор тумани ФВБ 12- ЁҚҚ ҳарбий хизматчилари томонидан ўтказилди.

**Э. ОЛИМОВ,**
*Чилонзор тумани ФВБ П ва НБ инспектори, катта лейтенант.*

Эълонлар

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

*"Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси" давлат муассасаси бош пудратчилигидаги қуйидаги объектга ёрдамчи пудратчиларни аниқлаш учун ўтказилаётган тендерга иштирокчиларни таклиф этамиз:*

Объект номи: **"Тошкент шаҳри Т.Шевченко кўчаси 1-уйда жойлашган "Илгариги Реал билим юрти" биносини таъмирлаш-тиклаш ишлари"**

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – **4 958 227 917сўм** *(шундан 2024 йилда ҚҚС билан – 2 000 000 000 сўм, қолган ҚҚС билан 2 958 227 917 сўм манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилиб, буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг молиялаштирилади).*

Ишларни тугаллаш муддати – **365 кун.**

Харид тури – **очиқ тендер.**

Объектни молиялаштириш манбаси: **бюджет маблағлари ҳисобидан.**

Бош пудратчи: **"Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси" давлат муассасаси.**

**Манзил:** Тошкент шаҳри Миробод тумани Т.Шевченко кўчаси 1-уй.

**Тендер иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:**

• доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

• ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

• ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

• ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

• бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

Тендерда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган иштирокчиларга рухсат этилади.

**Қуйидаги иштирокчиларга тендерда иштирок этишга рухсат берилмайди:**

• қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

• мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Иштирокчилар танишиб чиқиш ва тендер таклифини тузиш мақсадида, тендер предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида тендер ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек, унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианти)ни тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур. Иштирокчилар таклифлари ташкилотчи томонидан иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

**Тендер ташкилотчиси "STROY KONSALTING SERVIS" МЧЖга оферталарни тақдим этишнинг охирги муддати – оферталарни очиш куни ва вақтигача Тошкент шаҳри Миробод тумани Шаҳрисабз кўчаси 16 "а" - уй манзилдаги офисида қабул қилинади. Мўлжал: "Агросаноатлойиҳа" МЧЖ маъмурий биносининг 504-хонаси. тел:+99891 018-75-57.**

Талабгор томонидан белгиланган тартибда тендер ҳужжатларини олиш бўйича буюртманома тендер ташкилотчисига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилади.

**Тендер ҳужжатлари битта тўпламининг нархи – 2 500 000 сўм**

**Таклифларни топшириш тендер иштирокчисининг тендер ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.**

Таклифларни очиш эълон газетада чоп этилганидан камида ўн икки иш кунидан сўнг ўказилади.

Совместное предприятие в виде общества с ограниченной ответственностью «MIKADO DEVELOP AND INVESTMENT» (ИНН 308612173) уведомляет о том, что общим собранием учредителей СП ООО «MIKADO DEVELOP AND INVESTMENT» принято решение об уменьшении размера уставного капитал, предприятия путем уменьшения номинальной стоимости долей.

Обращения заинтересованных лиц принимаются по адресу: Республика Узбекистан, г. Ташкент, Янгихаятский р-н, ул. Райхана, А 03 - 1023, СП ООО «MIKADO DEVELOP AND INVESTMENT».

*Айнан газета тил софлигини, унинг адабий-бадиий хусусиятларини, сўз юки ва қудратини нафақат сақлаб қолади, балки ошириб ҳам боради*




**Иқтидорли журналист Саид Раҳмоновнинг "Ҳамоҳанглик" мажмуасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли рўй бераётган ўзгаришлар мавзуси қаламга олинган. Юртимиз иқтисодий ҳаёти, одамлар турмуш тарзи, тафаккуридаги янгиланишлар, мавжуд муаммоларни енгиб ўтаётган замонамиз қаҳрамоналари характери журналист нигоҳи, кузатишлари ва холис таҳлилларлари орқали ёрқин очиб берилган.**

**Муаллифнинг кейинги етти йилда мамлакатимиздаги турли марказий нашрларда чоп этилган туркум мақолалари қизиқарли тарзда ёритилиши, фикр-мулоҳазалар тиниқлиги ва чуқур таҳлилга асосланган билан диққатни тортади.**

**Ушбу китоб Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Китоб "Oltin meros press" нашриётида чоп этилган. Сўз боши ва ғоя муаллифи: истеъдодли ижодкор Лазиз Раҳматов.**

ИНСОН УМРИ ДАВОМИДА БИР ДОНА КИТОБ ЁКИ ГАЗЕТА ЎҚИМАЙ ТУРИБ ҲАМ УМР ЎТКАЗИШ МУМКИН. ЛЕКИН ЎЗИНИ ҲУРМАТ ҚИЛАДИГАН ҲАР БИР КИШИ МУТОЛАА ҚИЛИШ ИМКОНИНИ БОЙ БЕРМАСЛИГИ КЕРАК. ГАЗЕТАНИНГ ЁШ АВЛОД САВОДХОНЛИГИ УЧУН АҲАМИЯТИ КАТТА. ЧУНКИ ГАЗЕТАДАГИ МАҚОЛАЛАР ОРҚАЛИ СЎЗЛАРНИНГ ҚАНДАЙ ЁЗИЛИШИ, ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ ВА ҲАРФЛАРНИНГ ЎРНИ ҲАҚИДА МАЛАКА ҲОСИЛ ҚИЛИШ МУМКИН. ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ОРҚАЛИ АХБОРОТЛАРНИ ЎҚИБ ТУРИБ, ТИЛИМИЗ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛИШИНИ УЧРАТИБ ТУРАМИЗ. БУ ЭСА КЕЛАЖАГИМИЗ БЎЛГАН ЁШЛАРИМИЗГА ЎЗ ТАЪСИРИНИ ЎТКАЗМАЙ ҚОЛМАЯПТИ.



# Газета ҲАР ВАҚТ БАРҲАЁТ...


Орамизда шундай инсонлар борки, охирги марта қачон газета, журнал ёки китоб ўқиганини эслай олмайди. Ва яна шундай инсонлар борки, газета ўқимаслигини айтиб мақтанади. Солиқларни тўлаш мажбурий саналгани каби китоб, газета ва журналлар мутолаа қилиш мажбурий бўлса ҳам ҳеч ким бундан зарар кўрмайди. Агар газета ўқимасак, китоб мутолаа қилмасак, ёшларимиз матбуотдан йироқлаша боради. Бу эса эзгу одатимиз саналган мутолаа завқидан авлодларимизнинг мосуво қилишига олиб келади. Бу мавзуда тортишиш ниятида ёзмадим. Ҳамманинг танлови ўз қўлида. Биз фақат газета тўғрисидаги айрим мулоҳазаларимизни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. АҚШда интернет ривожланган сари кўпгина газеталар қийин аҳволга тушиб қолди. Аммо Виржиниянинг Арлингтон шаҳрида бир газета гуллаб-яшнамоқда. Уни 4-5 синф ўқувчилари чиқаради. Бу ўсмирлар мақола ёзиб, интервю олиб, журналист бўлишни ўрганмоқда. Ҳар бир ўқувчига газетанинг янги сони учун топшириқ берилади. Газета номи мактаб тимсоли - арслон боласи билан боғлиқ. Яъни "Арслонча" газетаси. "Газетадаги барча мақолалар мактаб ҳақида. Спортга бағишланган материаллар бор. Масалан, ўқувчилар қандай мусобақада қатнашган бўлса, ҳаммаси ҳақида ёзилади. Экскурсиялар ҳақида ҳам, янги китоблар ҳақида ҳам маълумот бор. Блер исмли қиз "Арслонча" учун мақола ёзишни ҳақиқий ижод, деб атайди. "Ўз фикрларимни эркин ифода этаман, ҳиссиётларим ҳақида ёзаман. Бунинг учун кўпроқ газета ўқишга ўргандим, чунки илгари газеталарни фақат қариялар ўқийди, деб ўйлардим," дейди Блер. Жиллиан Уилямс ва ҳамкасблари "Арслонча" газетасини чиқаришда давом этмоқчи. Ҳар бир сони учун кўпроқ материал йиғилар экан, ишга кўпроқ ўқувчини жалб этиш ниятида. Ота-оналар ҳам мириқиб ўқисин, дейди муаллимлар.

Жамиятнинг маданияти юксалишида ҳам газетанинг ўрни салмоқли. Негаки, айнан газета тил софлигини, унинг адабий-бадиий хусусиятларини, сўз юки ва қудратини нафақат сақлаб қолади, балки ошириб ҳам боради. Шундай кунлар келадики, ижтимоий тармоқдан ҳам инсонлар зерикади. Газета яна ҳаётимизга нур мисоли қайта кириб келади. Мен бунга ишонаман. Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Интернетнинг тезкорлиги ва қулайлиги яхши, албатта. Маълумотни исталган вақтда олиш имкониятини беради. Лекин кейинги пайтларда кўпчилик сайтлар фақатгина янгилик бериш билан чекланиб қолмоқда. Газета-журналларда эса ахборот билан бирга, ўқувчини фикрлашга чорлайдиган, сиёсий-маънавий фаоллигини оширадиган материаллар бериб борилади. Айни пайтда мажбурий обуна деб бонг ураётганлар орамизда кўп топилади. Менинг фикримча, инсонларни маънавиятга ва мутолаага мажбур қилиш жиноят эмас. Айниқса, шу юртда яшаб истиқомат қилиб, нега энди шу юрт нашрларига обуна бўлмаслигимиз керак. Шу юртнинг нон ва тузини еган инсон шу ернинг нашрига обуна бўлиши ватанпарварликни бир кўриниши деб ҳисоблайман. Аслида юртнинг ҳар бир фуқароси ва ташкилотлар раҳбаридан тортиб оддий ишчиси ҳам ҳеч кимдан топшириқ кутмай, ўзи ташаббус билан чиқиб обуна бўлишни табиий ҳол сифатида қараб амалга оширишлари жуда муҳим жараёндир.

Газета ўқишга ҳожат йўқ дегувчилар кўплаб топилади. Лекин ижтимоий тармоқлар фақат ахборотга бўлган кунлик эҳтиёжни қондира олади холос. Телефон ва компьютер орқали ахборотларни ўқиш соғлиққа, хусусан, кўзга нечоғлик зарари бор эканлиги, китоб, газета ва журналларнинг қадрини юксалтиради. Интернетни зўри пайдо бўлса ҳам ўлмас восита деб таърифланган газета ўрнини босолмайди. Туркистонда биринчи жадид матбуот органи – "Тараққий" газетаси Тошкент шаҳрида Исмоил Обидов муҳаррирлигида 1906 йил 27 июндан чоп этила бошланган. Унинг таҳририяти Ўратепа кўчасидаги 97-уйда жойлашган эди. Газетанинг бир йиллик обуна баҳоси 5 сўм бўлган, бир донаси 50 тийиндан сотилган. Газета тўрт саҳифада чоп этилиб, унда эълонлар ҳам босилган. "Тараққий" газетасининг шиори "Нажот: маслакда сабот, тўғриликда ижобат" деб номланган. Нашр илмий, адабий, сиёсий, фаний, тижорий газета бўлганлиги таъкидлаб кўрсатилган. Газетанинг атиги 20 сони чиқиб, рус ҳокимияти томонидан ёпилган, муҳаррир қамоққа олинган. Шундан сўнг М.Абдурашидхонов муҳаррирлигида "Хуршид" газетаси чиқарила бошланди. 1907 йил 21 августда "Тужжор" газетаси чиққан. Аммо уларнинг барчаси 5-6 та сони чиққач, фаолияти тўхтатилган. Газеталар сақланиб қолмаган.

Ҳеч бир замон газетанинг "ўлиши"га йўл қўймаган. Айтарли сабабларнинг бисёрлиги рўзномалар фаолиятини бир қадар тўхтатиши мумкин, аммо бутунлай йўқ қилиб юбориши ақлга сиғмас. Мамлакатимизда қанчалаб отахон газеталар бор. Уларнинг ҳурмати ҳамон баланд. Ижтимоий тармоқлар кузатувчилари орасидаги айрим бу шарафни рад этаётганлар ўз савиясини аслида минглаб газетхонлар савиясидан қанча паст эканлигини исбот этаётирлар. Янги нашрдан чиққан газета ва журналларни диққат билан кузатиб, менинг ҳам мақолам чиққандир, дея синчиклаб ўқийман. Мабодо чиққан боўлса, мен учун доимгидек байрам бўлади. Мен ҳам ҳар куни камида бир соатимни газета ва журналлар мутолаасига бағишлайман. Олдинлари қишлоғимиздаги мактаб кутубхоналаридан газета ахтарардим. Ҳозирда смартфонимиздаги "Газеталар шарҳи" телеграм каналида ҳам баъзи газеталарни ўқиса бўлади. Фақат инсоннинг ўзида қизиқиш бўлса, кифоя. Зеро, яхши мутолаа бу ёрқин келажак демакдир!

**Отабек ҚОБИЛОВ,**
**талаба.**



# ЯНГИЧА НИГОҲ

**Суратда:** Кўргазма залида намойиш этилаётган асарлар.

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида рангтасвирчи рассом, академик Иброҳим Валихўжаевнинг навбатдаги "Янгича нигоҳ" номли шахсий кўргазмаси очилди. Таниқли рассом ўз ижодида ҳамиша ўзбекона миллий руҳдаги ранг-баранг асарлари билан томошабинларда ҳайрат уйғотади.**

**– Кўргазма муаллифи машҳур халқ рассоми Раҳим Аҳмедов устахонасида замонавий тасвирий санъатдан сабоқ олиб, кўплаб ютуқларга эришган, – дейди санъатшунос Эльвира Аҳмедова. Рассом "Фарғона сюитаси", "Она замин", "Ренессанс" каби катта ҳажмдаги 28 та концептуал асарларини томошабинларга ҳавола этган. Қолаверса, Бадиий ижодкорлар уюшмаси раиси сифатида ҳам тасвирий санъатимизни дунёга танитишда жонкуярлик кўрсатмоқда.**

**Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.**

Реклама




Эълонлар

Закирова Диляра Абдулбареевна номига 1993 йил 5 февралда 05-02/4441 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Бабажанов Адилбек Сабурович номига 1993 йил 6 январда 04-01/3029 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

"GREEN ZONE OF WORLD" МЧЖ (СТИР: 306 421 935) ягона таъсисчисининг 2024 йил 15 ноябрдаги 15-11-24-сон қарорига кўра, "GREEN ZONE OF WORLD" МЧЖ таркибидан "ECO GREEN BUILDERS" МЧЖни ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилиши ҳақида маълум қилади. Манфаатдор шахсларнинг мурожаатлари ва кредиторларнинг талаблари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани "Чоштепа" МФЙ Узар кўчаси 130-уй манзили бўйича ёзма шаклида берилиши мумкин.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.**

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1117. 1020 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
**Таҳририят манзили:** Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
**Реклама ва эълонлар –** (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 17.55